

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА АСОСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Суюнов Дилмурод Холмуродович,

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,

"Корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти"кафедраси мудири,

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,

Махкамбаева Феруза Махамаджановна,

МБА Ф -01гуруҳ,1-босқич магистранти

Аннотация

Мақолада акциядорлик жамиятларини ривожланиши, Хорижий тажриба асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, унинг жамият тараққиётидаги роли, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув амалиётининг ривожланиш босқичлари тўғрисида фикр юритилган, шунингдек, корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Корпоратив бошқарув, хориж тажрибаси, акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув тизими, корпоратив бошқарув босқичлари, акциядорлар.

Маълумки бугунги кунда корпоратив бошқарувда хориж тажрибаси ривожланишимизнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, давлат активларини янада хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш жорий йилда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим ва устувор йўналишига айланди. Хусусан, 2015 йил 15 майда «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, шу йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида реал иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида давлат иштирокини тубдан камайтириш, 1247 корхона ва объектни хусусий мулкка ўтказиш кўзда тутилган. Хусусан, 68 йирик корхонадаги давлат улуши, жумладан, акциялар назорат пакети хорижий инвесторларга таклиф қилинмоқда. 343 корхонанинг давлат улуши чет эл ва маҳаллий инвесторлар учун савдога қўйилди. 324 объект очиқ савдоларда хорижий ва маҳаллий инвесторларга сотилди. Бундан ташқари, 512 давлат объекти хорижий ва маҳаллий инвесторларга инвестицион мажбуриятларни қабул қилиш шarti билан «ноль» қийматда таклиф этилди. Мисол учун, «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти, «Самарқандкимё» акциядорлик жамияти, «Навоийазот» акциядорлик жамияти, «Жиззахпластмасса» акциядорлик жамияти ва бошқа стратегик корхоналарда умумий улушнинг 51 фоизини давлат бошқарувида сақлаб қолган ҳолда, қолган

қисмини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш шарти билан сотиш таклиф этилди. Мазкур дастур ижросини таъминлаш доирасида ушбу жараёнларга хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқин тарихга назар ташласак, 2009 йилда “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси билан Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган автомобиллар ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича «JV MAN Auto – Uzbekistan» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолади, – дейди «MAN Truck & Bus AG» компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий раҳбари Ян Колмайер (Германия). – Ўтган йиллар давомида мазкур завод ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, жорий йилда беш минггача юк автомобиллини конвейердан чиқарди. Бугунги кунда 40 турдан ортиқ юк ташувчи ва махсус техника ишлаб чиқарилмоқда ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади. Ўзбекистон томонидан берилаётган кенг кўламли имкониятлардан унумли фойдаланиб, яқинда шаҳар ичида қатнаш учун мўлжалланган Lion русумли автобуснинг тажриба намунасини ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити шакллантирилган, энг илғор халқаро тажрибалар асосида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларининг мустаҳкам қонунчилик базаси, шунингдек, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар учун имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Ўрнатилган тартибга кўра, қиймати 50 миллион доллардан ортиқ ва хорижий инвестор улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши давлат бюджети ва бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ташкил этиш мақсадида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансидаги паст ликвидли объектлар “ноль” қийматда сотилмоқда. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция улуши 33 фоиздан кам бўлмаган корхоналарга улар рўйхатга олинган санадан бошлаб икки йил давомида олиб кириладиган мулк ва товарлар учун божхона преференциялари тақдим этилади. – «General Motors» корпорацияси “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон бозорида салмоқли ютуқларга эришмоқда, – дейди «GM Uzbekistan Operation» компанияси президенти ва бошқарувчи директори Хектор Вилларреал (АҚШ). – Айни пайтда «GM Uzbekistan» акциядорлик жамиятининг Андижон ва Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида заводлари фаолият кўрсатмоқда. Негаки, Ўзбекистонда самарали фаолият юритиш учун барча зарур шароит яратилган. Корхона ва ишлаб чиқариш объектларининг самарали фаолият юритиши корпоратив бошқарув тизими билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиши давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали хусусийлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган йиллар мобайнида 31 мингдан ортиқ давлат корхонаси хусусийлаштирилди ва бугун мамлакатимизда қарийб 1,2 миллион акциядор бор.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мамлакатимизда айни пайтда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишидир. Бугун юртимизда акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий база ва инфратузилма ташкил этилиб, самарали фаолият юритмоқда. Жумладан, кодификация қилинган ҳуқуқларга асосланган меъёрий база Ўзбекистон Ресепубликасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори

тўғрисида»ги қонунлари, 60 дан ортиқ бошқа ҳужжатларни ўз ичига олади. Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчилик ҳуқуқий муносабатларнинг атрофлича ва ошкора белгиланиши билан ажралиб туради.

Шунингдек, 2016-2018 йилларда акциядорлик жамиятлари ҳисоботларини Халқаро аудит стандартлари ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича нашр этишга ўтиш, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлар олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларида раҳбарларни хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида саралашни кенг жорий этилди.

– Кейинги ўн йилда Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман ва мамлакатингизда хорижий инвесторларга давлат томонидан кенг имкониятлар яратилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман, – дейди «Lotte Chemical» компанияси президенти Хо Су Ёнг (Жанубий Корея). – Жумладан, яқинда компаниямиз иштирокида Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши якунланди. Қиймати қарийб 4 миллиард долларни ташкил қилган ушбу завод табиий газни қайта ишлаб, турли қалинликдаги полиэтилен, полипропилен ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Форумнинг шўъба мажлисларида хусусийлаштириладиган муайян объектлар тақдимотлари бўлиб ўтди. Ёқилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, Ахборот-коммуникация технологиялари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, халқаро туризм соҳаларининг инвестициявий имкониятлари, чет эл капиталини хусусийлаштириш жараёнлари ва истиқболли инвестициявий лойиҳаларга жалб этиш учун ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлимини такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Форумнинг хорижий иштирокчилари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани ва юртимизда қулай инвестиция муҳити яратилганини қайд этди. Бу чет эллик шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшимча рағбат берадиган муҳим омилдир. Форум якунида журналистлар учун брифинг бўлиб ўтди. Унда халқаро анжуман доирасида умумий қиймати 12,4 миллиард долларлик 100 дан ортиқ битим ва меморандум имзолангани эълон қилинди. Шунингдек, бошқа янги инвестициявий лойиҳалар бўйича музокаралар давом этаётгани ҳам қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори ҳамда "2021—2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси"га мувофиқ, Давлатив агентлиги томонидан янгиланган **Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари**, намунавий **Ахлоқ кодекси** ҳамда унинг ажралмас қисми сифатида **Коррупцияга қарши курашиш сиёсати**, **Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати** ва **Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати** ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатлар **Осиё тараққиёт банки** ҳамда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки** иштирокида ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатларда корхоналар ва бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш "Корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири, Иқтисодиёт фанлари доктори, профессори. мақсадида қуйидаги нормалар киритилди:

Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларида:

- давлат иштирокидаги корхоналарда **барча акциядорлар** (иштирокчилар) **хуқуқларини тенг таъминлаш**, миноритар акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - давлат иштирокидаги корхоналарнинг **барча манфаатдор томонлар**, шу жумладан ходимлар, кредиторлар, мижозлар, этказиб берувчилар ва бошқалар олдидаги **мажбуриятларини ошириш**;
 - корхоналарда ички назорат тизимини такомиллаштириш, таваккалчиликни бошқариш ва ички назорат тизимини самарали ташкил этиш мақсадида **COSO (The Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission)** моделига асосланган интеграциялашган назорат тизимини жорий этиш;
 - корхоналарнинг **SWOT таҳлилларини ёритишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш**, корхоналарни бошқаришда кузатув кенгаши ва ижро органини масъулиятини ошириш, корпоратив қоидаларга амал қилиш мониторингини юритиш.
- Шунингдек, **Ахлоқ кодекси** ҳамда Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ва Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсатида:
- давлат иштирокидаги **корхоналар ходимларининг ахлоқий меъёрлари**, ахлоқий меъёрларнинг **асосий тамойиллари**, коррупцияга қарши сиёсатнинг амалга ошириш, этказиб берувчилар ва бизнес ҳамкорлар билан муносабатларда ахлоқий меъёрлар;
 - **манфаатлар тўқнашувининг юзага келиши**, унинг **оқибатларининг олдини олиш** ва **бартараф этиш**, манфаатлар тўқнашувининг юзага келиши мумкин бўлган **омилларни аниқлаш**, содир этилган манфаатлар тўқнувларининг **реестрини юритиш**;
 - ахлоқий меъёрларнинг бузилиши тўғрисида **хабар бериш мажбуриятлари**, хабар берганларни **ҳимоялаш кафолатлари**, меъёрларни бузган **шахсларнинг жавобгарлиги**.
- Мазкур ҳужжатлар Давактив агентлигининг 2023 йил 23 июндаги **145-сон буйруғи билан тасдиқланди** ва **графикка асосан 62 та** корхоналарга бошқарув органлари ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва жорий этиш юзасидан кўрсатмалар юборилди.
- Мухтасар айтганда, Халқаро инвестициявий форум хорижий инвесторларга ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, изчил ривожланаётган ва истиқболли Ўзбекистон бозорида бизнес юритишнинг янги қирраларини очиш имконини берди.

REFERENCES

1. Суюнов Д. Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография //Т.: Академия. – 2007. – Т. 200.
2. Суюнов, Д., and Элмурод Абдусатторович Хошимов. "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари." *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар* илмий электрон журнали 2 (2018).
3. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
4. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.

5. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 209-218.
6. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
7. Суюнов Д. Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш. и. ф. д. дисс //И. ф. д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – 2008. – Т. 261.
8. Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 11. – №. 7. – С. 40-44.
9. Суюнов Д., Хошимов Э. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари //Экономика и инновационные технологии. – 2019. – №. 4. – С. 197-210.
10. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. STATE REGULATION OF THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
11. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.
12. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State Regulation of the Digital Transformation of the Economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
13. Суюнов Д., Хошимов Э. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари //Экономика и инновационные технологии. – 2019. – №. 4. – С. 197-210.
14. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.
15. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – Т. 2019. – №. 4. – С. 11.
16. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 38-45.
17. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 38-45.
18. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.

19. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – С. 11.
20. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – С. 38-45.
21. Suyunov D., Kenjabaev A. Scientific Approaches to The Analysis of the Experience of Foreign Countries on the Development of Entrepreneurship in The Service Field //Wire Insights: Journal of Innovation Insights. – 2023. – T. 1. – №. 5. – С. 1-7.
22. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – С. 38-45.
23. A.M Miralimovich, S.D Kholmurodovich, A.B Batirovich //Prospects for the development of the green economy based on investment projects in cooperation with developed countries estern European Journal of Modern Experiments and ..., 2023
24. Kholmurodovich S. D., Batirovich P. D. A. B. Green Economy and Ways of its Development in Uzbekistan //Genius Repository. – 2023. – T. 24. – С. 7-15.
25. Суюнов Д. Х., Саттаров Х. Ф. Анализ особенностей управления инвестиционными проектами в нефтегазовой отрасли //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 2. – С. 156-161.